



MILLIY TIKLANISH

30 (143) 2011 йил 3 август, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Аёлни эъзозлаган юрт

Келажагимиз эгалари айнан қалб-қўри жасоратга лиммо-лим муносиблар тафтида камолга етади. Шу боис уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш лозим.



Қишлоқ хунарпешалари

Хунарни ёшларга ўргатиш катта савоб. Айниқса, қишлоқ хотин-қизлари учун хунармандчилик айти муддао. Хунар эгаллаганлар асло кам бўлмайди. Тиккан маҳсулоти яхши бўлса, уни харидорнинг ўзи излаб келади.



2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



МАЪРИФАТ — МИЛЛАТ РУҲИНИ УЙҒОТАДИ

Мамлакатимиз мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Истиқлол даврида туғилган йигит-қизлар балоғат ёшига етди. Улар ҳар томонлама мустақил бўлган юрт фарзандлари бўлиб, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бевосита гувоҳи бўлишди. Йигирма йил ичида, айниқса, миллий-маънавий қадриятларимизни асраш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

дай эркин ва озод фуқаролар ижтимоий ҳаётни янгилаш, ислох этишнинг пешқадам вакиллари бўлади. Куюнчаклик, фикрий изланувчанлик, янгилик яратишга иштиёқ, бунёдкорлик янги авлодга хос фазиладир. Бундай шахслар халқни олға бошлайди, миллат руҳини уйғотади, кучига куч қўшади.

Фуқаронинг камолоти — бу юрт камолоти, фуқаронинг эркинлиги — бу юрт эркинлиги, деб тушуниш муҳим. Ана шун-

4-бет

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ": ЯНГИЛАНИШ, ИЗЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Ўтаётган ҳар бир дақиқа, соат бизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллик айёмига янада яқинлаштирмоқда. Истиқлолнинг ўтган 20 йилига на-

зар ташлар эканмиз, умримизнинг ҳар лаҳзаси, ҳар они гўзал эканлигини ҳис қила бошлаймиз. Ватанимизнинг буюк ва муқаддас эканлигини сезамиз.

Бугун қайси бир соҳани олманг, янгилаш, ривожланиш йўлидан бормоқда.

4-бет

ИМКОНИЯТ

ЖАВЛОН — ЖАҲОН ФАН ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРИ

Бухоро давлат университетининг Қорақўл туманида жойлашган 3-академик лицейи ўқувчиси Жавлон Исомуродов математика фани бўйича Голландияда ўтказилган 52-Жаҳон олимпиадасида юқори натижани қўлга киритди.

Халқаро билимлар синовида ёш ҳамюртимиз дунёнинг 105 мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд тенгдошлари орасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

— Билим масканимиз мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли катта ютуқларга эришмоқда, — дейди академик лицей директори Тўхтамурад Жумаев. — 2009 йилгача ихтисослашган мактаб-интернат сифатида фаолият кўрсатган муассасамиз илғор педагогик технологияларни жорий этишда катта тажриба тўплади. Ўқувчиларимиз ўз билимлари жаҳон андозаларига тўла жавоб беришини исботламоқда. Улар шундан кўра математика, физика ва кимё фанлари бўйича жаҳон ва халқаро олимпиадаларда 25 медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир. Бундан икки йил илгари билим масканимиз биноси замонавий талаблар асосида янгидан қурилди. Ёшларимизнинг янада чуқур билим олишлари учун имкониятлар кенгайтиди. Ҳозир бу ерда 450 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз иқтидорли ёшларнинг вакили сифатида Жавлоннинг Голландиядан бронза медали билан қайтиши барчамизни қувонтирди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

УНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Яъни, Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиётнинг ўтган қисқа даврида кучли ҳуқуқий давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимламоқда.

Жумладан, юртимизда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бир қаторда иқтисодийни либераллаштириш ва бунинг натижасида вуқудга келадиغان муносабатларни тартибга со-

лишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, мазкур йўналишда қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш, ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштириш, аҳолининг мулкка бўлган муносабатини ўзгартириш, шунингдек, хусусий мулкдорлар, акциядорлар қатлами ни вуқудга келтириш, акциядорлик жамиятларини тузиш, уларни самарали бошқариш, фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

2-бет

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Бугун мамлакатимизда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили изчил ва тизимли асосда амалга оширилмоқда. Шу боис фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат ношароит ташкилотларининг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгайтиб, улар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг кўлами ва мазмуни тобора ортиб бормоқда.

Яъни мазкур соҳа ривожини йўлида кенг қўламли демократик ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги ошишида муҳим омил бўлмоқда. Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари: тараққиёт одимлари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

2-бет

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

МОДДИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ

ЎЗЛИГИМИЗ, ҚАДРИЯТ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗДАН СЎЗЛАЙДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳалар сингари тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар ҳамда қадимий қадамжоларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз Бош қўмусининг 49-моддасига мувофиқ фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир, деб қатъий белгилаб қўйилганлигининг ўзиёқ тарихий меросимизга бўлган муносабатни ойдинлаштириб беради.



Таъкидлаш жоизки, шаҳар ва қишлоқларимизнинг тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, маданий ёдгорликларини, тарихий иншоотлар,

қадамжолар, мақбара ва зиёратгоҳлар, меъморий ёдгорликларни сақлаш, шунингдек,

3-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

УНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида ҳам акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва

га солади ва у, бир томондан, йирик мулкдорларнинг мулкни тасарруф этишдаги устун мавқеини таъминласа, иккинчи томондан, майда мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайди.

Жамиятнинг мулкка эгаллиги билан уни бошқариш алоҳида бўлиб, акциядорларнинг акциядорлик жамиятлари уст-тав фондини шакллантириш учун қўшган хиссаси (акциядорлар қўшган хиссаси қўшилган захоти пул қийматида баҳоланади) фақат АЖ мулкчи ҳисобланади.

Маълумки, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, акциядорлик жамиятлари қўшма маж-лисасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида ҳам акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва

умумий йиғилиши унинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва жамиятнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга кириши-шида асосий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари халқ ҳўжалигининг бар-ча тармоқ (саноат, банк, сур-гурта, алоқа ва бошқа)ларини қамраб олган бўлса-да, бироқ ҳанузгача аҳоли ўртасида улар-га бўлган ишонч жуда сустдир. Бунинг сабаблари қаторида уларнинг нисбатан паст рен-табеллигини, дивидендлар-нинг кам миқдорда тўланаёт-ганлигини ёки ўз вақтида тўла-маслигини кўрсатиш мумкин. Натижада аҳолининг ортиқча пул маблағлари акциялар со-тиб олинишига жуда йўналти-риляпти. Бу эса акциялар муо-маласига, айниқса, иккиламчи қимматли қўғозлар бозорининг ривожига ўз салбий таъсири-ни ўтказмоқда.

Бундан ташқари, корпоратив бошқарув ва назорат орган-ларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Корпоратив бошқарув орган-лари бўлган акциядорлик жа-миятларининг умумий йиғи-лишлари, кузатувчилар ке-нашлари, тафтиш комиссия-ларининг роли ва аҳамиятини ошириш, майда (миноритар) акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва кафолатлов-чи меъёрларни қайта қўриб чиқиш, АЖ фаолияти билан боғлиқ маълумотларни олиш имкониятини ошириш билан боғлиқ нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мух-тарам Юртбошимиз таъкидла-ганидек: "Акциядорлик жа-миятларининг Кузатувчилар ке-нашлари, умумий йиғилиш-лари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акци-яси кам бўлган акциядорлар-нинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акци-ядорларни ва бўлажак инвес-торларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғри-сида ахборот олиш имконият-ларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни мудоао бўлув эди".

ган бошқарув органларининг ваколат доирасидаги ҳаракати орқали амалга ошади.

АЖнинг ҳуқуқ субъекти си-фатида ҳаракат содир этиши, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқ-атини амалга оширилиши, фу-қаролик-ҳуқуқий субъектлар сифатидаги ҳуқуқий мақомини ан-глаб этиш учун корпоратив бо-шқарув масаласини ўрганиш жуда ҳам долзарб масаладир. Корпоратив бошқарув АЖлар-нинг органлари томонидан та-шқи ва ички муносабатда ман-фаатларини ҳимоя қилишдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида ҳам акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, "Корпоратив бошқарув" тушунчаси бошқа ҳўжалик жамиятлари ва шир-катларини ҳам қамраб олади. Акциядорлик жамиятлари му-раккаб таркибли, иштирокчи-лар сонининг чекланмаганли-ги, катта миқдордаги мулкни бошқариш заруратининг мав-жудлиги боис жаҳон тажриба-сига эътибор берадиган бўл-сак, бошқарув тизимининг икки ва уч бўғинли кўриниш-ларига дуч келамиз.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги Қонуннинг 64-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли Қарори билан тасдиқ-ланган "Акциядорларнинг ум-умий йиғилиши тўғрисида"ги Намунавий Низомга мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг

Мазкур соҳага оид қонун-нинг бу йўналишда такомил-лаштирилиши АЖлар фаоли-ятидаги иқтисодий самара-дорлигини ошириш билан бир-га акциядорларнинг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган янада мустақкам ҳуқуқий асос яратилади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги Қонунга киритилиши кут-илаётган ўзгартиш ва қўшим-чалар Ўзбекистон "Миллий ти-кланиш" демократик партияси-нинг сайловолди Платформа-сининг иқтисодий соҳасида белгилаган мақсад-мудоао-ларни амалга оширишда яна-да кенгроқ имкониятларни яра-тиб бериши шубҳасиз.

Ж. БОБОЕВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ҳокимли-ги мутасаддилари, сиёсий партияларнинг вилоятдаги етакчилари, нодавлат нотижо-рат ташкилотлари ва ОАВ ва-киллари иштирок этди.

Тадбирни очган вилоят ҳоки-ми ўринбосари Мухтор Хайит-муродов мамлакатимиз мус-тақиллигининг 20 йиллиги то-бора яқинлашаётган бугунги кунда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришганлигимиз, жумладан, фуқаролик жамия-ти институтларининг шаклла-ниши ва ривожланиши бора-сида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганлигини ало-ҳида таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, истиқ-лол йилларида фуқаролик жа-мияти институтлари фаоли-ятининг ҳуқуқий асослари яра-тилди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фу-қароларнинг энг муҳим соци-ал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани мазкур соҳа риво-жига бўлган эътибор намуна-сидир. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партия-ларни молиялаштириш тўғри-сида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

Илмий-амалий конферен-цияда ўзга чиққан Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси Де-мократик институтлар, нодав-лат ташкилотлар ва, фуқаро-ларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг демок-ратик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакл-лантиришда тутган ўрнига эъти-бор қаратди.

— Мухтарам Юртбошимиз Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимиз-да демократик ислохотларни

Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолиимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамия-те институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустақкам-лаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттира-диган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Ислом КАРИМОВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш Концепцияси" номи маъ-рузасида алоҳида таъкидла-ганидек: «Фуқаролик институ-тлари ҳуқуқий асослари яра-тилди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фу-қароларнинг энг муҳим соци-ал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани мазкур соҳа риво-жига бўлган эътибор намуна-сидир. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партия-ларни молиялаштириш тўғри-сида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

Илмий-амалий конферен-цияда ўзга чиққан Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси Де-мократик институтлар, нодав-лат ташкилотлар ва, фуқаро-ларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг демок-ратик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакл-лантиришда тутган ўрнига эъти-бор қаратди.

— Мухтарам Юртбошимиз Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимиз-да демократик ислохотларни

касида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий ше-рикчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйи-ча иш олиб бормоқда. Ушбу семинар ана шу қонун лойиҳа-ларини тайёрлаш жараёнида амалиётчиларнинг фикр-муло-ҳазаларини олиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа

га ошириш бўйича эълон қилин-ган грант қолиб қолганини қўлга киритган. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги "Қалб меҳ-ри" нодавлат, нотижорат таш-килотининг "Соғлом оила—Ва-тан таянчи" лойиҳаси ҳам тан-лов қолиб қолган деб топилган ва Фонд томонидан моддий рағ-батлантилган.

Семинар доирасида фуқаро-ларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-даги нодавлат нотижорат таш-

Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти инсти-тути фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратил-ди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни де-мократик янгилаш жараёнида фуқаролик инсти-тутиларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий му-аммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани мазкур соҳа ривожига бўлган эътибор намунаси-дир.

институтларини қўллаб-қувват-лаш Жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйи-ча Парламент комиссиясидан Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган бир нечта нодав-лат, нотижорат ташкилотлари ҳам грантлар олган. Масалан, Республика "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Қашқадарё ви-лоят бўлими мазкур фонд то-монидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амал-

килотларининг роли, кучли дав-латдан кучли фуқаролик жамия-тига ўтиши нодавлат нотижо-рат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳам-корлиги ҳамда жамиятда аниқ йўналтирилган ижтимоий ма-салаларни ҳал этишда нодав-лат ва нотижорат ташкилотла-рининг иштироки каби масала-лар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

● ТАДБИР

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ



йилнинг олти ойи мобайнида 50 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: қонуний ка-лафолатлар ва уларнинг амалиёт-да қўлланилиши", "Аёл ва ҳуқуқ", "Аёл ва сиёсат", "Донилик ва ташаббускорлик, сиёсий етак-чилик мезони", "Жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси ри-вожиди хотин-қизларнинг роли", "Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалти-риш ва кўриқ-танловлар шулар жум-ласидандир.

Бугунги кун аёлнинг муам-моси нимада? У қай тарзда яшайпти, кўнглида ҳуқуқий орзу-мақсадлари мужжасам? Гло-баллашув жараёнида, ахборот шиддатлари аёл қалбидаги

фидоийликка, маъсумаликка раҳна солмаептими? Йиғилишни очган ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Аёл-лар қаноти" раҳбари Шаҳноза Расулова мамлакатимизнинг бугунги ривожиди аёлларнинг тутган ўрни, жамиятда хотин-қизлар фаоллигига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, келажак-имиз эгалари айнан аёл деб атал-миш нозик, аммо қалб-қўри жа-рофатга лиммо-лим муносила-рлар ҳақида камолга етади. Шундай экан, уларнинг саломатлигини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш, фаоллигини оши-риш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш лозим.

Тадбирда иштирокчилар хотин-қизлар, хусусан, уй бекаларининг

тадбиркорликка бўлган қизиқиш-ларини ўрганиб, уларда ишби-лармонлик маданиятини шакл-лантириш, маҳаллаларда каса-начилик ва оилавий бизнес мар-казларини ташкил этиш масала-ларига алоҳида эътибор қарат-тилди. Шунингдек, йиғилишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш, депутат аёл-лар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ва улар иштироки-да тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан боғлиқ вазифа-лар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида намойиш этилган "Аёлга таъзим" мавзуйи хотин-қизларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш, депутат аёл-лар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ва улар иштироки-да тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан боғлиқ вазифа-лар ҳақида сўз юритилди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот котиби

Аёлни улдуловчи эътирофу таърифлар кўп. Унинг гўзаллигини гулга, баҳорга ўхшата-миз, меҳрини кўёш тафтидан ҳам ҳаро-ратли дея таъриф берамиз. Зеро, аёлни улдулаган халқнинг истиқболи ёруғдир. Юртимизда мустақил-ликнинг дастлабки кунлариданоқ хотин-қизларнинг жамиятда-ги ўрни ва нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ва бу борада қатор ҳуқуқий асослар яратилди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

МОДДИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ

ЎЗЛИГИМИЗ, КАДРИЯТ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗДАН СЎЗЛАЙДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

миллий қадриятимиз асоси саналган хунармандчилик, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда келажак авлодларга етказишга кўмаклашиш ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий устувор мақсад ва вазифалари сирасига киради. Бу борада партиянинг барча ҳудудий Кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ва хайрихоҳлари билан ҳамкорликда "Биздан овоз ва обод ватан қолсин", "Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланамиз", "Сиз тарихни биласизми?" каби кўплаб тадбир, давра суҳбати ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган тадбирлар замирида миллий қадрият, анъана ва

урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, маънавий ва маъданий бойликларимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказишга кўмаклашиш каби эзгу мақсадлар рўйи ётади.

Қашқадарё вилояти ҳудудида халқимиз турмуш тарзи, маданияти, қадриятлари, бунёдкорлиги, ижодкорлигидан ҳикоя қилувчи кўплаб маданий мерос объектлари сақланиб қолган. Ана шундай масканлардан бири Чирокчи туманидир. ЎЗМТДП Чирокчи туман Кенгаши партия дастурий мақсад ва вазифаларини ижро этишда, электротат манфаатларини ҳимоялашда Республика "Хунарманд" уюммаси, "Маҳалла" жамғармаси ва қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда миллий

хунармандчилигимизни ривожлантириш, йўқолиб кетган турларини қайта тиклаш, халқимизнинг азалий қадрият, анъана ва урф-одатларини ёшлар онгига сингдиришга кўмаклашмоқда. Масалан, туман марказидан 45 қақирим узокликда шимолдан Китоб тумани, шарқдан қўшни Самарқанд вилояти билан чегарадош тоғ ён бағирларида жойлашган "Лангар" қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидоги 8 та қишлоқда миллий хунармандчиликнинг гиламчилик, сўзана, каштачилик, қуроқчилик, дурдгорлик, бешикчилик, сандикчилик, темирчилик каби йўналишлари кенг ривожланганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, ҳудудда "устоз-шогирд" анъанаси узвий давом эттирилаётганлиги қувонарли ҳол.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ҳамда жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши қадриятларимиз давомчилари учун катта имкониятлар эшигини очди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, солиқ тўловлари бўйича қадриятларимиз давомчиларига берилган имтиёз 2012 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилди. Бу эса уста хунармандларни қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшларни кўпроқ жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Мазкур қишлоқ ёшлари миллий хунармандчиликнинг сўзана тикиш, каштачилик, дўппидўзлик, миллий кийимлар, қуроқчилик каби кўплаб йўналишларини давом эттирмоқда, — дейди ЎЗМТДП Чирокчи туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Келдиев. — Доимий ҳамкорларимиз билан биргаликда тумандаги ўқув муассасалари, жамоат ташкилотларида ташкил этилган "Миллий хунармандчилик буюмлари" бурчаги ёшлар томонидан тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари билан бойитилмоқда.

Партия сайловолди Платформасида қайд этилганидек, халқимизнинг маданий тарихий меросини ўрганиш, келажак авлодларга бекум кўст етказиш мақсадида эртамиз эгаларига қишлоқлар ва ҳудуддаги мавжуд қадамжолар тарихи билан яқиндан таништириш, бу масканда яшаб ўтган улуг бобоқалонларимиз хотирасига чуқур ҳурмат туйғуларини шакллантириш каби масалаларга ҳам туман Кенгаши томонидан алоҳида эътибор қара-

тилмоқда. Жумладан, узок тарихга эга бўлган Лангар қишлоғидаги "Лангар ота" қадамжоси, Тарағай қишлоғидаги "Амир Темур" гори, Қуруқсой қишлоғидаги "Сийпантош" қадимий тоши жойлашган масканларга саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган эътибор, хусусан, 2009 йил 10 сентябрда қабул қилинган "Моддий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши тарихий обидаларни сақлаш, асраш, таъмирлаш, асл ҳолига қайтариш, уларни бус-бутунлигича ёш авлодга етказиш каби масъулиятли вазифаларни амалда ҳал этиш имкониятини яратди. Жумладан, қишлоқдаги катта ва кичик мақбарадан иборат бўлган "Лангар ота" зиёратгоҳи ҳам аста-секинлик билан асл ҳолига қайтарилди бошланди. ЎЗМТДП туман Кенгаши ташаббуси ҳамда қишлоқ аҳолиси иштирокида ҳашар йўли билан мақбараларга олиб борадиган тепалик йўлда 300 метрлик пиллапоё қурилди. Шу боис, қадамжого ташриф буюраётган зиёратчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Германия, Франция ва Араб давлатларидан келадиган зиёратчиларнинг "Лангар ота" қадамжоси тарихига катта қизиқиш билан қарашаётгани фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Юртимиздаги тарихий мерос объектлари ўзлигимиз, аجدодларимиз тарихи ва тафаккур тарзидан сўзлар экан, ҳар бир Ватан фарзанди уни қадрлаши, ҳурмат кўрса тиши, асраб-авайлаши лозим.

Шерзод КУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбири

168 СОАТ: ЎЗМТДП
ТАШКИЛОТЛАРИДА

ПАРТИЯ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРЛАРНИНГ АСОСИЙ МАВЗУСИГА АЙЛАНДИ

ТОШКЕНТ

ЎЗМТДП Учтепа туман Кенгаши, Тошкент шаҳар "Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар" жамоат бирлашмаси, "Микрокредитбанк" туман филиали ҳамкорлигида жорий "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎЗМТДП туман Кенгаши девони ходимлари, партия фаоллари, тадбиркорлар, маҳалла фуқаролари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини янада кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг ўз бизнесларини ташкил этишга кўмаклашишдир. Тадбиркорлик фаолиятининг қонуний асослари, ёш тадбиркорлар фаолияти самарадорлигини амалга ошириш, ҳар депутатлари кўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишга ёрдамлашиш орқали "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" номи остида маҳсулотлар турини янада кўпайтиришга эришиш зарурлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Йиғилишда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва микрокредитни қай тартибда олиш масаласи юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎЗМТДП Янгийўл туман Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб, "Озод юртин овози маҳалласи" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎЗМТДП туман Кенгаши "Ёшлар қаноти", халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси ва маслаҳатчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, маҳалла аҳолисининг табиат ва экологияга бўлган эътиборини ошириш, атроф-муҳитни озода сақлаш, маҳалла, кўча, гузар ва барча гўшаларни ободонлаштириш ишларига ўз хиссаларини қўшишга сафарбар этиш лозим.

— Юртимизни янада обод ва кўркамлигини, хонадонларимизнинг шинам ва орасталигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи саналади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими бош маслаҳатчиси Э.Юлчиев. — Маҳаллаларда ана шу мақсадда "Фидойилар гуруҳи"ни ташкил этиш зарур.

Тадбир сўнгида маҳаллаларни эқиндан ўрганиш, мажбу муаммоларни имкон даражасида жойида ҳал этишга келишиб олинди.

ЖИЗЗАХ

Юртимизда ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, улар мамлакатимизнинг эртанги истиқболни белгилайди.

ЎЗМТДП Зомин туман Кенгаши томонидан "Барқамол авлод — миллат истиқболи" мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам ана шундай мақсадларга қаратилди.

— Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама барқамол авлод бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎЗМТДП туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси З.Алимов. — Бу каби тадбирларнинг ёшлар онги ва тафаккурида Ватан келажоғи учун масъулини янада ошириш, юртга садоқат, ватанпарварлик каби туйғулари шакллантириш ҳамда жамиятда ўз ўринларини эгаллашларига хизмат қилиши шубҳасиз.

БУХОРО

ЎЗМТДП Бухоро вилоят ва шаҳар Кенгашлари томонидан "Жамият ривожиди хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳамда сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки" мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда ЎЗМТДП вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари вакиллари, партия "Аёллар қаноти" фаоллари, ҳудуддаги БПТлар етакчилари, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Ҳасанов кириш сўзи билан очиб, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар родини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш борасида амалга оширилган салмоқли ишларга эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралаётган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар мавжуд. Қувонарлиси, юртимиз аёллари яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Тадбир фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

НАМАНГАН

Истиқлол бизга тинч ва фаровон, овоз ва дорилмомон кунларни ҳада этди. Мазкур қисқа вақт мобайнида юртимизнинг ҳар бир гўшасида улкан ўзгаришлар, асрга татигулик ислохотлар амалга оширилди. Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган эзгу тамойил ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда.

ЎЗМТДП Тўрақўрғон туман Кенгаши томонидан "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида байрам тадбири ўтказилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда партиянинг туман Кенгаши аъзолари, туман Кенгаши депутатлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимиз кундан-кунга ўсиб ва ривожланиб бормоқда. Бунинг ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кузатиш мумкин. Айниқса, ёшларимизга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

— Тинчлик — ҳар биримиз учун олий неъмат, — дейди ЎЗМТДПдан сайланган Тўрақўрғон туман Кенгаши депутати Ҳ.Иномов. — Шу боис унинг қадрига етишимиз, осойишта ўтаётган ҳар бир кунимизга шукрона қилишимиз лозим. Тадбирда мустақиллигимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради, бир-бирдан қизикарли саҳна кўринишлари қатнашчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Ўз мухбиримиз

● ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ПАРТИЯ ҚҮЙИ БЎГИНИ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

ларни амалга оширади.

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгашига қарашли туман ва шаҳар Кенгашлари таркибида айни пайтда 156 та БПТ мавжуд бўлиб, жами 3038 нафар партия аъзосини бирлаштирган.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП вилоят Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, янгиларини ташкил қилиш ҳамда шу орқали партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида БПТ фаолиятини жонлантириш, уларнинг меъёрий ҳужжатларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тизимли иш олиб борилди. Хусусан, ўзаро таъриба алмашиш мақсадида жойларда ўтказилган ўқув-семинарларда қуйи бўғин фаолиятини танлов асосида ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, партия вилоят Кенгаши таркибидаги БПТлар фаолиятини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони мутахассислари туман, шаҳар Кенгашларига бериқтирилди. Бу каби ташаббуслар кенг жамоатчиликни ЎЗМТДП дастурий мақсад ва вазифалари билан

яқиндан таништириш, партияга хайрихоҳлар ва аъзолари сафини кўпайтиришга хизмат қилади. Жумладан, ҳудудий тадбиркорлик тасарруфидоги БПТлар томонидан ташкил этилган "Маънавиятга таҳдид — ўзлигимизга таҳдид", "Ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш", "Оилаларда ажримлар ва эрта никоҳнинг олдини олиш", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида ёшларнинг ўрни", "Қадим юртда қадр топган қадрият", "Алишер Навоий шoirлар султони", "Юртинчилиги халқ фойдаларига —

Аммо ЎЗМТДП вилоят Кенгаши фаолиятига яқиндан назар ташлайдиган бўлсак, айрим бошланғич партия ташкилотларида сўзашликка йўл қўйилаётганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, 2011 йилнинг ўтган олти ойида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсак, вилоят бўйича жами 175 та тадбир ўтказилган. ЎЗМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши таркибидаги 19 та БПТдан 14 таси тадбир ўтказган, холос. Бундай мисолларни Янгиер ва Ширин шаҳарлари, Оқ-олтин ҳамда Сайхунбод туман Кенгашлари фао-

фаоллиги, ўз бурч ва вазифаларини тўғри англашига ҳам боғлиқ. Бошланғич партия ташкилоти барча партия бўғинлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан канчалик яқин алоқа ва ҳамкорлик ўрната олса, ўтказилган тадбирлар сифати ва савияси ҳам шунчалик юқори бўлиши шубҳасиз.

Шу ўринда асосий эътиборни БПТлар фаолиятига қаратишимиз бежиз эмас. Чунки, одамларда партия фоярлига хайрихоҳлик уйғотиш аъзолар сонининг ошишида бошланғич партия ташкилотининг янги ташаббуслар билан чи-

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, БПТлар фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлари, партия Кенгаши, аъзолари ва Ижроия қўмитаси девони ходимлари фаоллиги, ўз бурч ва вазифаларини тўғри англашига ҳам боғлиқ. Бошланғич партия ташкилоти барча партия бўғинлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан канчалик яқин алоқа ва ҳамкорлик ўрната олса, ўтказилган тадбирлар сифати ва савияси ҳам шунчалик юқори бўлиши шубҳасиз.

энг олий мақсадимиз", "Экологик муаммоларни ҳал этишда миллий қадриятларимизнинг аҳамияти" "Миллий халқ ўйинлари фестивали" мавзусидаги давра суҳбати, фестивал ва спорт мусобақаларини шундай тадбирлар сирасига киритиш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, БПТлар фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлари, партия Кенгаши, аъзолари ва Ижроия қўмитаси девони ходимлари

қиши, таклифлар бериши, қисқа қилиб айтганда ҳар жиҳатдан фаоллик кўрсатиши мумкин ўрин тутди.

Бурхон ШЕРМАТОВ,
ЎЗМТДП Сирдарё
вилоят Кенгаши Ижроия
қўмитаси девон раҳбари

Мустақиллигимизнинг илк даврларидан мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларда сиёсий партияларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида илгари сурилган устувор гоёларни сиёсий партиялар, айниқса, унинг қуйи бўғини бошланғич партия ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклади.

БПТлар, маълумки, кенг жамоатчилик билан яқин алоқа ўрнатиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий билим даражасини ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, партия мафкураси ва гоёсини аҳоли онгига сингдириш, ўзи мансуб бўлган партияга хайрихоҳлар сонини кўпайтириш каби вазифа-

МАЪНАВИЯТ

● МУТОЛАА

ИККИ ХАЛҚ АДАБИЁТИ

АДАБИЁТШУНОСЛАР НАЗАРИДА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, филология фанлари номзоди Исролжон Ёқубов номи "Ўзбек романи тадбири", "Муҳаммад Али ижодиди тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик тақлиб" монографиялари, ўнта рисола, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари, шунингдек, хорижий ва Республикамизнинг пуфзули нашрларида чоп этилган 150 дан ортиқ мақоалари билан илмий-адабий жамоатчиликка яхши таниш.

Яқинда унинг "Бадий-эстетик сўз сеҳри" номли мақолалар тўплами нашрдан чиқди. Қарийб 30 босма табоқ ҳажмидаги ўшбу салмоқли китобни варақлар эканман, даставвал диққатимни "Истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда адабиётшунослик ривожининг айрим қирралари" номли мақола ўзига жалб қилди.

Мақола филология фанлари номзоди Комилжон Ташанов билан ҳаммуаллифликда ёзилган. Муаллифлар қорақалпоқ фольклори, мумтоз ва замонавий адабиёти, адабиётшунослик тараққиётини тадрижий изчилликда, ривожланиш ва тараққиёт йўсинида олиб текширадлар. Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт институти, Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус педагогика институти адабиётшуно олимлари томонидан мустақиллик йилларида улкан монографик тадқиқотлар амалга оширилганлиги аниқ мисоллар ёрдамида эътироф этилади. Жумладан, мақолада истиқлол йилларида ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослик илмига баракали ҳисса қўшиб келатган ўнлаб фан номзодларининг халқ оғзаки ижоди, ўтмиш ва замонавий адабиётнинг қўллаб

муаммолари бўйича яратган салмоқли монографик излашларининг мавзу қўлами, муайян муаммони ечишдаги илмий-назарий хулосалари, амалий тавсиялари ҳақида муҳтасар маълумотлар берилди.

Мақоладан кўзда тутилган мақсад мустақилликнинг 20 йиллик даврида қардош ва қондош халқлар адабиётшунослиги соҳасида эришилган ютуқларни аниқ далиллар мисолида кўрсатишдан иборат бўлган.

Дарҳақиқат, уларнинг излашларида ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг долзарб муаммолари истиқлол мафкура-си ҳамда янгиланган тафаккур тизимига мувофиқ тарзда таҳлил қилинади. Мазкур мақола ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшуносларининг бир-бирларини янада яқинроқ билишлари, келажакда амалга ошириладиган илмий-назарий ва амалий фаолиятларида ҳамдам ва ҳамнафас бўлиб ҳамкорлик қилишларига қўмаклашиши шубҳасиз.

"Бадий-эстетик сўз сеҳри" китобининг ахамияти шундаки, ундаги мақоаларда, биринчидан, истиқлол даври адабий жараёнига ҳос муҳим тенденцияларга муносабат билдирилади. Иккинчидан,

самарадор аънава ва янгича излашларнинг ўзига хос характери белгиланади. Муаммонинг ижтимоий-эстетик моҳияти инкишоф этилади. Учинчидан, ўзбек насрининг қарийб юз йиллик излашларига хос ютуқ ва муваффақиятлар такомилли тадрижий ва изчил тизимга солинади. Турли авлодга мансуб ўзбек романнавислари ижодининг шаклий-услубий хусусиятлари, муштарак ҳамда индивидуал жиҳатлари тадқиқ этилади. Бундан ташқари, қадимий қадриятларимиз "Авесто"дан тортиб, Беруний, Нажмиддин Кубро, Навоий, Оғаҳий, Феруз ва Авазгача бўлган илмий-адабий меросимизнинг ўрни ва ахамияти очиб берилди.

Китобда кирган мақоаларда ўзбек халқ оғзаки ижоди, классик ва замонавий адабиётининг талай долзарб масалалари истиқлол йилларида тубдан янгиланган адабий-эстетик тафаккур талаблари асосида таҳлил ва тадқиқ этилади.

Олим кузатишларининг халқатери жиҳати шундаки, у адабий ҳодисанинг миллий ва ижтимоий меҳварини фалсафий-эстетик ҳамда адабий-назарий жиҳатдан очишга, муаммолар моҳиятини концептуал хусусиятларини кўрсатишга интилади. Шунинг учун ҳам бу тадқиқотлар ўзининг илмий-назарий жиҳатдан пишк ва пухталиги, тилининг равонлиги, хулосаларининг салмоқдорлиги билан диққатни тортади.

Илюша ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари
номзоди,
доцент

● ҲАҚИҚАТ

Имом Ҳаззолий ҳазратлари сабр ва қаноат ҳақида шундай дейдилар: "Ҳақиқий хунар офият ва тўқчиликда сабр қилишни билишдир. Бунинг сабри — улардан шодланиб, кўнгли бермаслик, ҳамма-ҳаммаси кишининг кўлида омонатлиги ва бир онда йўқ бўлишни билмакдир. Йўқсизликда сабр бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликда сабр тамомила ирода ишидир..."

САБР ВА ҚАНОАТ

ЭНГ ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Дарҳақиқат, мол-давлатли бўлиб, бутунлай бошқа инсонга айланиб қолиш, оёқнинг ердан узилиши сабрсизлик натижаси ўлароқ юз беради. Инсон бойликда ҳам, камбағалликда ҳам сабру матонатли, чидамли бўлмоғи лозим. "Кўрманиннинг кўргани курсин", деганларидай баъзи инсонлар йўқсизликдан тўқчиликка етганида ўзларини кўярга жой тополмай қолишади, манманликка берилдилар. Асл инсонлик мақомига эришмоқ учун собирлар, яъни сабри кишилар уч ишни амалга оширган. Булар: нафс ва худпарастликни енгиш; қазо ризо; яхшидир-ёмондир, оғирдир-енгилдир, Аллоҳ раво кўрган ҳамма нарсани қаноат билан қабул айлаш. Жумладан, Аллоҳ бадавлатликни насиб қилди, уни ҳам сабр билан қаршилаш ҳақиқий инсонийликдан дарак беради.

Сабр-тоқат, қаноат ҳислари инсон маънавиятининг юксаклигидан, буюклигидан нишона. Халқимизнинг миллий маънавиятида бу тушунчаларнинг ўрни беқиёс. Азалдан ота-боболаримиз, файзли момоларимиз сабру қаноат ҳақида қўллаб-қувватлаш ҳикматларини мақолларни айтишган: "Сабр таги сариқ олтин",

"Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво пишур", "Сабр таги раҳмон" каби халқ мақоллари бу борадаги энг гўзал намуналардир. Бундан ташқари қўллаб алломаю шоирларимиз, буюк бобоқалонларимиз ҳам ўз асарларида, битикларида сабр қилмоқлик ҳақида алоҳида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф сабри таснифларга бўлиб, сабр қилувчиларни 3 тоифага ажратадилар. Биринчиси, мутасаббир, яъни зўрма-зўрақилик билан сабр этувчи, сабрда бебарликка ён берувчи кишилар; иккинчи тоифа кишилари собир, яъни сабри, сабрга содиқ кишилардир. Учинчиси эса саббор — кўп сабри инсонлар. Бу тоифалар ичида энг мақбули сифатида собирлар алоҳида тилга олинади. Навоий ҳам ўзининг қатор асарларида, газалу рубойларида, ҳикоятларида қаноатга кенг ўрин беради. Ибн Сино эса "Ахлоқ ҳақидаги рисола" ("Рисола фи илм ал-ахлоқ") номли асарига сабрга шундай таъриф берган: "Сабр инсондаги шундай қувватдирки, у орқали инсон бошига тушган ёмонликдан холи бўлади." "Қаноат", яъни мўътадиллик таъриф бериб, ибн

Муҳтарама КОМИЛОВА

● МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Муқаррама Жаббарова бир этак неварачеварлар қуршовида, кексалик гаштини сурадиган ёшда. Етмиш баҳорни қаршилаган ая ўғил-қизларни аллақачон уйлаб-жойлаб бўлган. Аммо, ҳали ҳам изланишдан, меҳнат қилишдан чарчамайди.



ҚИШЛОҚ ҲУНАРПЕШАЛАРИ

"УСТОЗ-ШОГИРД" АЪНАСИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

— Ҳазрат Навоий: "Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққа кетгумдир охир" деб ёзган эди, - дейди биз билан суҳбатда М.Жаббарова. — Дарҳақиқат, хунарни ёшларга ўргатиш катта савоб. Айниқса, қишлоқ аёллари учун хунар-ишчилик айни муддао. Хунар эгаллаганлар асло кам бўлмайди. Тиккан маҳсулотни яхши бўлса, уни харидорнинг ўзи излаб келиб олиб кетади. Шу боис ҳам қишлоқдаги хотин-қизларнинг хунарли бўлишларига муносиб ҳисса қўшдим.

Хунармандчилик корхонаси шарофати билан "Баҳористон" қишлоғида қўллаб қўлигул чеварлар етишиб чиққани рост. Дилбар Усмонова, Муҳайё, Махлиё ва Нилуфар Ражабова-лар, Зулайхо Абдувоҳидова, Роҳила Ашуровалар бунга мисол бўла олади. Кичик корхона чеварлари ҳар йили 30 турдаги миллий хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини тўлдирмоқдалар. Муқаррама ая саҳийликда ҳам пешқадам. Ўтган йили уруш ва меҳнат фахрий-

ларига 20 та тўн, кийим-кечак ҳадя қилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳам мунтазам равишда ёрдам бериб туради. Етти йилдирки, корхонага хунар ўрганиш ниятида келганлар бегул касб-хунарга ўргатилапти. Шу боис ҳам "Махлиё"га келатган ёшларнинг кети узилмагани йўқ. Жорий "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да яна 100 нафар хотин-қизлар хунарли бўлиши режалаштирилган. **Анорбой НОРҚУЛОВ,** "Milliy tiklanish" мухбири

● АЛЛА

ОНА ҚЎШИҒИ — РУҲ ОРОМИ

Рухиятга сокинлик бахш этувчи, танга ором берувчи энг гўзал қўшиқ бу алладир. Унда она меҳри, самимияти, кўнгли ва сийпаловчи қўллари жамланиб бир бутунлиқни ташкил этади. Қайси тилда бўлишдан қатъий назар, бола унинг гўзаллиги, мулоймлиги ва муҳими ўзи учун айтилаётган оромбахш сўзлар тизими эканини англайди. Шунинг учун ҳам қай замон ва маконда бўлса ҳам алла ўз қадр-қиммати ва ахамиятини йўқотмайди.



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Алла уйи» маданий-маърифий маркази миллий аънаваларни тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг ташкил этилиши нафақат ёш оналар, келинчақлар, уларнинг фарзандлари учун, балки халқимизнинг маданияти, фольклори ва этнографияси билан қизиқувчи барча кишилар учун муҳим ижобий ҳодиса бўлди. — «Алла уйи» маданий-маърифий маркази лойиҳасида ҳар бир оилада янги чақалоқ туғилиши билан ёки туғилиши кўзда тутилган жараёнда, шу оила аъзолари ўзлари учун маълум кўрган, махсус маслаҳатчи тавсия этган алла матнлари билан «курол-ланиб», бу қўшиқни қўйлаш усулларидан бохабар бўлишлари назарда тутилган, - дейди марказ директори Мунаввара Ёқуббекова. — Ҳомиладор ва янги туғилган гўдаги бор аёлларга малакали тиббий маслаҳатлар берилгани-

дек, бу марказ фарзандларимизнинг дастлабки маънавий-маърифий тарбиясида оилаларга, айниқса, ёш ота-оналарга бу борада қўмақдош бўлиши учун турли тадбирлар ташкил этмоқда. Аллаларни ёш келинчақларга, балоғат ёшидаги қизларга ўргатиш, алла қўйлашни хоҳловчи, бу қўшиқ ҳақида тўлароқ маълумот олишни истовчи аёлларимиз, қизларимизни керакли маълумотлар билан таъминлаш учун алла танловлари уюштирилмоқда. «Алла уйи»даги замонавий аудио, видео ускуналари, алла айтиш, гўдакни тарбиялаш билан боғлиқ экспонатлар, илмий, услубий адабиётлар, қўллашлар, тасвирий ва ашёвий кўргазмалар тадбирларимизнинг таъсир кучини оширмоқда. Алла қўйлашни хоҳловчи, бу қўшиқ ҳақида тўлароқ маълумот олишни истовчи аёлларимиз, қизларимизни керакли маълумотлар билан таъминлаш учун алла танловлари уюштирилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан ноб миллий қадриятларни тиклаш, бетакор маданият сарчашмаларидан халқимизни, қолаверса, юртимиз, тарихимиз ва маданиятимиз билан қизиқувчи дунё аҳлини баҳраманд этиш имконияти беқиёс даражада ортди. Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган 27 миллионга яқин аҳолининг эътиқоди юксак, иймони мустаҳкам, билими ва дунёқараши кенг, ватанпарвар, фидойи, мард, гўзалликлар ва эзгуликлар бунёдкори сифатида камолотга эришишида халқимиз доминантликнинг қаймоғини ўзида мужассам этган эзгу-удумларимиз, муқаддас қишларимизда, айниқса, оиладаги маънавий муҳитнинг посбонлари бўлган хотин-қизларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш алоҳида ахамиятга молик. Бу борада халқ аллаларининг маънавий, маърифий, тарбиявий таъсир кучидан XXI аср оиласидаги барқарорлиқни шаклланти-

рувчи восита сифатида фойдаланиш яхши самара беради. Бу қўшиқнинг мақсадимиз йўналиши учун диққатга сазовор намуналарини ҳар бир хонадондаги ёш онага, буви, эгачи ва янгаларга, балоғат ва ўспиринлик ёшидаги қизларга етказиш ҳамда оммалаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунинг учун марказ томонидан махсус рисола, қўллама, буклетлар тайёрланиб тарқатилапти. Республика бўйлаб маҳалалар ва таълим муассасаларида ўтказилган «Баркамоллик бешиқдан бошланади», «Бахтли болалиқни алқар аллалар», «Алла уйи — маърифат уйи», «Баркамол фарзанд — миллат ва юрт келажиги», «Онаю бола — гулу лола», «Болангизга алла айтгин, оналар», «Аллаларда оиланинг орзулари жам», «Алла — ахлоқий тарбиянинг таъсирчан воситаси», «Муҳаббатдан яралган қўшиқ», «Алла айтишни ўрганинг, қизларон!» каби мавзулардаги махсус маъруза ва давра суҳбатлари ташкил этилаётди. Шунингдек, алла танловлари ва фестиваллари ҳам уюштириляпти. Уларда асосан Озарбойжон, поляк, тожик, туркман, қозок, қрим татар, ўзбек миллатларига хос бўлган аллалар янғирайди. Томошабинлар янғорларининг сокин ва айни пайтда жўшқин, камалак жилосидай ранг-баранг аллаларини эшитиб, катта таассурот оладилар. Алла ижролари оралигида миллий марказлар ва қишлоқларнинг ашула ва рақслари диёримизда турли миллат вакилларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди. Ёш авлоднинг тарихий, миллий руҳи қиради. Она тилидаги маънавий меросимиз, миллий руҳ қиради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғуллар ва орзулар гўдакнинг жисму жонига илди қолдиради".

Барно МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс"

ЖАРАЁН

● БУЊЁДКОРЛИК



МАҲАЛЛАНГ ОБОД — ЮРТ ОБОД

Мустиқлигимизнинг 20 йиллик тўйига тўёна сифатида қурувчилар томонидан Ёшувон туманидаги "Армечан" ҚФЙ ва "Фовшун" ҚФЙ ҳудудида қурилган жами 30 та замонавий типдаги уй-жойларнинг калити ўз эгаларига топширилади.

Ушбу намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар қурилишига тумандаги "Хўжаликлараро қурилиш монтаж конструкциялар комбинати" масъулияти чекланган жамиятининг муносиб хиссаси бор. Улар томонидан сифатли темир-бетон маҳсулотлари ўз вақтида етказиб

турилди. Хусусан, жорий йилда ҳомийлик асосида «Фовшун» ҚФЙ аҳоли истак-талабларини инобатга олган ҳолда электр тармоғи ўтказиш, ичимлик суви келтириш, газ қувурлари тортиш каби коммунал юмушлардан сифатли темир-бетон маҳсулотлари ўз вақтида етказиб

дан зиёд битирувчиларни ўз касби бўйича ишга жойлаш масаласи бўйича ҳам талай тadbирлар амалга ошириляпти. Туманда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида 10 дан ошдиқ янги савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи шаҳобчалар ташкил қилинди. Бу эса хусусий тadbиркорлар сонининг ортиси, аҳолини зарурий истеъмол товарлари билан таъминлаш, уларга маиший хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш баробарида янги иш ўрин-

ларининг яратилишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, жамоамиз томонидан маҳаллалардаги бўш ерларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиб, боғлар яратилади. Бу билан биз маҳаллаларимизнинг обод бўлишига оз бўлсада хиссамизни қўшаётганимиз, аҳолига фойдали тегаётганидан хурсандимиз.

Ражаб ҲАМРАЕВ,
"Хўжаликлараро қурилиш монтаж конструкциялар комбинати" МЧЖ раиси

● АНЖУМАН

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат номидаги ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари, журналистлари иштирок этди.

Тadbирда Президентимиз ташаббуси билан "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинларини жадал ривожлантириш имконини бераёт-

гани алоҳида таъкидланди. Конституцияда нодавлат номидаги ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг муштаҳамлаб қўйилгани уларнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда юртимизда жами-

ят ҳаётининг турли соҳаларида 5200 дан зиёд нодавлат номидаги ташкилотлари, 1200 дан кўпроқ оммавий ахборот воситаси, ўн мингдан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси-

да жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш тақлиф этилган. Мазкур ҳужжат жамоатчилик назоратининг асосий тамойиллари, турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Жамоатчилик назоратини қучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг етакчи ўрин тутагани инобатга олган ҳолда уларнинг жамиятимизда кечаётган жараёнларни тезкор, холис, чуқур таҳлилий ёндашув асосида ёритишдаги масъулиятини янада ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Анжуманда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий механизми, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни, жамоатчилик назорати такомиллашувида оммавий ахборот воситаларининг вазирати амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган ва муҳокама қилинди.

Азима ҚИЁСОВА

● САРҲИСОБ

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ — ТАРИХ КЎЗҒУСИ

Айни пайтда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида бунёдкорлик жараёнлари кечмоқда. Бунда халқимизнинг бой ўтмиши, маънавий меросининг чуқур ўрганилганлиги, янгиликка ташналик миллатимизнинг қонида азалдан борлиги ҳар бир нарсада намоён бўлади. Бу борада тарихий асарларни, моддий ва маънавий бойликларни асраётган, аждодлардан авлодлар сари етказиб бераётган "Ўзархив" агентлигининг хизмати беқийёс.

Архив ҳужжатлари билан ишлайдиган соҳа тadbиркорчилиги, адабиётшунослар, иқтисодчилар, санъатшунос, фан ва техника мутахассислари учун мавжуд материалларни кенгайтириш, уни янгидан-янгидан далиллар билан бойитиш нафақат шу соҳанинг балки жамият ҳаётини, инсоният тафаккурини манбалар билан бойитишга хизмат қилади. Шу маънода ҳужжатларни сақлаш, уни келажакка етказиб беришда уларнинг ҳуқуқий ва жисмоний ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади.

"Ўзархив" агентлигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ҳам агентликнинг жорий йил биринчи ярим йиллигида амалга оширган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши муваффақият ва муаммолар иштирокчилар тилида муҳокама қилинди.

Йиғилишда республика архив муассасаларининг қузиш муассамига тайёргарлиги, ижро интизомининг ҳолати, 2011 йилда архив иши ва иш юритиш масаласини барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларининг амалга оширилишини таъминлаш ҳамда Хоразм вилоят архив муассасасида ўтказилган комплекс ўрганиш натижалари хусусида тегишли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишининг бошқаларидан фарқи шундаки, бунда нафақат агентликнинг иш режасидаги белгиланган вазифалари, балки унинг келгусидаги ишлари, уни такомиллаштириш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим босқичлар таҳлил этилди. - дейди агентликнинг "Ҳужжатлардан фойдаланиш ва ахборот хизмати" бўлими бошлиғи Лола Ориф-жонова. — Шу билан бирга, юртимизда фаолият юритиётган касб-унаор коллежларининг Архив иши ва иш юритиш йўналишлари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, вилоят архив иши бошқарма-лари расмий веб сайтларининг ҳолати тўғрисидаги қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнгида республика архив муассасаларида МАФ ҳужжатларини текшириш ишларининг бориши тўғрисидаги масала алоҳида тўхталиб ўтилди.

Наргиза АСАДОВА

● ЭҲТИРОМ

Касабақўм аъзоси Комила Камолова ва тарбиячи Шахло Бахриддинова Ҳадича момонинг хонадонига кириб борар экан, ҳовлининг орасталиғи, саранжом-сарихталиғи уларнинг бахри дилини очди.

ҲАЛОВАТ БИЛМАС КЎНГИЛ

— Хуш кўрдик, келинғизлар, - деди момо фаолларни ўтказишга жой тополмай.

— Ҳозиргина ўқувчиларни кузатиб қўйгандим. Улар вақти-вақти билан уй юмушларимга қарашиб туришди.

— Сизга арзимас совға олиб келган эдик, - деди Комила Камолова. — Тугилган кунингиз билан табриклаймиз. Бир оғиз ширин сўз, меҳр-муруват ёлғиз яшовчи қариянинг кўнглини кўтариб юборди. Ҳадича момо узоқ йиллар давомида билим масканда ўқитувчилик қилиб, обрў-эътибор қозонган.

Жиззах туманидаги 16-умумтаълим мактаби касаба уюшмаси кўмитаси жамоа аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб боришга эътибор қаратмоқда. Бунда касабакўмнинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси К.Камоловнинг ташкилотчилик ва уддабуронлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Синчковлик, изланувчанлик унга хос хислат. Бу эса фаолият юритишда кўп қўл келаяпти.

2010-2011 ўқув йилида билим даргоҳида 732 ўқувчига 57 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Шулардан 4 нафари халқ маорифи аълочиси, 11 нафари олий тоифали педагоглардир. Бугунги кунда ёш авлод таълим-тарбияси ривожини, уларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан етуқлигини таъминлаш ва юксалишини хотин-қизлар иштирокида тасаввур этолмаймиз. Жамоадаги етмиш фойз хотин-қизларнинг фаолияти ўрганилиб, уларга имтиёз бериш, меҳнат таътили ва бўш вақтини кўнглили ўтказиш доимий назоратда. Биргина 2010 йилда хотин-қизларнинг 22 нафари рағбатлантирилди, 6 нафари дам олиш уйларига юборилди. Шунингдек, моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, маданий дам олиш ва фарзандларнинг оромгоҳларда дам олиши учун 850 минг сўм сарфланди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

2010-2011 ўқув йили биринчи ярмини К.Камолова раҳбарлик қилаётган 3-синфдаги 29 нафар ўқувчи 86 фоизи сифат самарадорлиги билан яқунлашга муваффақ бўлишди. Вилоятда ўтказилган кичик фан олимпиадасида ўқувчилардан Мафтуна Раҳматуллаева ўқш ва Жавоҳир Зуфаров математика фанидан биринчи ўрнини эгаллашди.

Ўқув йили давомида синфда бир неча марта бадий китоб кўргазмаси ташкил этилиб, болаларга оид янги нашрлар ташкил этилгани, унда ёш китобхонларга муаллимнинг кўрсатаётган ёрдами қувонарлиқ ҳолдир. Энг кўп китоб ўқиган ўқувчилар рағбатлантириб берилмоқда.

Изланувчан муаллима К.Камолова ўтган ўқув йилида вилоятда ўтказилган "Энг яхши ўқитувчи" кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 2010 йил 17 декабрда бўлиб ўтган Республика таълим марказида бошланғич таълим йўналиши бўйича илмий методик кенгаш йиғилишида эса унинг илгор тажрибаси оммалаштирилди.

— Бу муваффақиятлар мени янада самаралироқ ишлашга, фидокор бўлишга ундади, - дейди муаллима.

Ҳа, унинг гапида жон бор. У ўқитувчилик касбининг кўплик синаотларини, фидойиликни устоз сифатида йўл-йўриқ кўрсатган фан номзоди Абдор Камолов ҳамда халқ маорифи аълочиси Мавлуда Мухторовалардан ўрганди. Яна тажрибали устоз сифатида халққа танилган Мавлуда Маъмура ва Маҳфират Камоловалар ҳам унга суяноқ бўлдилар. Кейинчалик сингиллари Малоҳат ва Назокат улар изидан боришди.

Мактаб касабақўм аъзоси К.Камолова ташаббуси билан тозалик кўни ва умумхалқ ҳаётлари қизгин тус олдирилиб, уларга барча сафарбар этиляпти. Эрта баҳорда ҳар бир педагог ва ўқувчи "Мустиқлигимизнинг 20 йиллиги — 20 туп кўчат туфамиз бўлсин!" шиори остида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишни уюштиришди: Эндиликда кўчатлар кўкка бўй чўзиб, боғ-роғга айланди. Улар парвариши шағал ётқизилиб, асфальтланди. Ариқ-зовурлар тозаланиб тартибга келтирилди.

Тиниб-тинчимас олий тоифали муаллима, касабақўм аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тиклишни" демократик партияси аъзоси Комила Камолова ҳеч вақт бир жойда хотиржам ўтиролмайдди. У одатдагидай навбатдаги иш кўнини яқунлардан кўнгида янги режалар туғилади. Уларни амалга оширишда кенг жамоатчиликка таянган ҳолда елиб-югуради. Муваффақиятлар қўлга киритилганида қувонгандан ғайрат-шижоати янада ошади. Бу эса ундан катта масъулият ва фидойилик кўрсатишни тақозо этади.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

● ЭЛ ХИЗМАТИДА

Келажак бунёдкорлари бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, Ватанга, эл-юртга садоқатли, баркамол инсонларни вояга етказиш нафақат мураббийю шифокорлар, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бундан ташқари қилган Урзут ИЧСКга қарашли Қоратепа савдо корхонаси ходимлари ҳам ҳукумат дастурларини бажариш борасида талайгина хайрли ишларни амалга ошириб келаяпти. Айни пайтда савдо корхонаси ўн еттига қишлоқ аҳлига саккизта савдо дўконлари орқали намунали хизмат кўрсатмоқда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Йигирма беш мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган мазкур корхонага тажрибали раҳбар, ЎЗМТДП аъзоси Ориф Махмадўстов раҳбарлик қилади. Аҳоли эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулот ва товар турларини кўпайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, кичик корхоналар, янги

цехлар қуриб замонавий ускуналар ўрнатиш ҳам жамоанинг иш режасига айланган. Айни пайтда саккизта дўконда банк терминаллари ўрнатилиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатилмоқда. Натичада, белгиланган касса режалари ўз вақтида бажарилаётди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда фарзандликка олиш қай тартибда амалга оширилади? Бундай ҳуқуққа кимлар эга бўлиши мумкин? Мени ана шундай саволлар жуда қизиқтиради.

И.ТИЛАВОВ, Булунгур тумани

Оила Кодексининг 151-172-моддаларида белгиланганидек, фарзандликка олиш фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб, фарзандликка олишнинг истаган шахсларнинг ариза-сига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналик ҳуқуқи чекланган, муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар ҳамда қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукми қилинган шахслар болани фарзандликка олиши

мумкин эмас. Турар жойидан қатъий назар фарзандликка олувчининг қариндошлари - ака-ука, опа-сингил, ўғай ота ва ўғай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устун ҳуқуққа эгадирлар. Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинади. Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Болани фарзандликка олиш учун ота-онасининг розилиги талаб этилади. Агар

боланинг ота-онаси номаълум бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган, вафот этган ёки ота-она бир йилдан ортқ мuddат давомида болалар ёки даволаш муассасасидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, фарзандликка олиш ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

Бундан ташқари, фарзандликка олувчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товласа, лозим даражада бажармаса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, фарзандликка олувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомала қилса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган ҳолатда ҳам фарзандликка олиш бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ бўли-

мига фарзандликка олиш ҳақида ҳоким қарори, фарзандликка олинувчининг туғилганлик ҳақида гувоҳнома, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади. Жуда кўп ҳолларда фарзандликка олинган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома-си ёзувига тегишли ўзгариш фақат ҳоким қарори асосида киритилади. Фарзандликка олиш расмийлаштирилгандан кейин ФХДЭ бўлими фарзандликка олувчиларга фарзандликка олинганлик тўғрисида маълумотнома беради.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқи ҳар томонлама қафолатланган юртимизда ҳеч бир бола қаровсиз ёки бошпанасиз қолмайдди. Зеро, болани уй бозор, деган нақл бежиз айтилмаган.

М.ҲАҚБЕРДИЕВА,
Самарқанд шаҳар 3-сон ФХДЭ бўлими мудираси вазифасини бажарувчи

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

МЕДИА-ИМПЕРИЯ ҚУЛАЙДИМИ?



Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб бежиз айтишмаган. Мана, бир неча ойдирки, "сарик" матбуот олами ва бу оламнинг яккадон қиролига айланган Мердоклар империясини янги "уотергейт" машинлари титратиб турибди. Битта оиланинг ички сирлари, бизнесмен ота-боланинг иш юритиш усуллари бўлса майли эди, аммо бу гагаи жанжалга Лондон полициясининг дахлдорлиги маълум бўлгач, кўпларга кўп нарсаларда мураббийлик қилишни ўзларига эл кўрадиган инглизларнинг қайфияти бузлди, жамоатчилик оёққа қалқди. Инсон ҳуқуқлари, одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, фуқаролик манфаатларига дахл қилмаслик тўғрисида тўхтовсиз бонг уриб турилган бир пайтда пойтахт Лондонда эшитган кишининг эти жунжикадиган қонунбузарликлар содир этилаётганини қандай баҳолаш мумкин?



Гап шундаки, бундан бир муддат аввал ота ва бола Мердоклар бевосита раҳбарлик қилаётган "Ньюс-Корпорейшн"га қарашли "News of the World" газетаси журналистлари нима қилиб бўлсада, шов-шувли фактларни қўлга киритиш учун минглаб ватандошларининг телефон орқали сўзлашувларини қонунга зид равишда эшитиб, шахсий почталарини сурбетлик билан ўқиб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келганлар.

Дастлабки тергов натижаларида 160 йилдан бери узлуксиз чоп этиб келинаётган, газетхонларнинг ишончини қозongan, адади миллион нусхадан ошиб кетган "News of the World" газетаси репортёрлари 4 мингдан ортиқ мобил телефонларни, 5 мингдан ортиқ шахар телефонларини мунтазам равишда эшитиб келишган. Кейинги хабарларда айрилишча, бу рақамлар яна икки-уч бор ошди ҳам мумкин экан. Жабранланган орасида кироллик оиласи аъзолари, терорчилар ҳужуми натижасида мамлакатда ва Афғонистондаги урушда ҳалок бўлганларнинг яқин қариндошлари, таниқли кишилар бор.

Британия парламентининг махсус комиссияси бу можарони жиддий ўрганишга киришди. Дастлабки натижалар кишини ҳайратта солади. Скотланд-Ярднинг собиқ бошлиғи Пол Стивенсон (бу мулозим ва унинг ўринбосари Жон Йейтс ушбу иш боис истефого чиқиди), ота ва ўғил Руперт ва Жеймс Мердоклар парламентнинг маданият, оммавий ахборот воситалари ва спорт масалалари бўйича комиссияси аъзоларининг са-

волларига жавоб қайтаришга мажбур бўлдилар. Икки соатдан кўпроқ давом этган савол-жавоб чоғи дунё медиа бозориди яқка ҳукмронлик қилаётган магнатлар таассуф билдириб, ўз ватандошларидан, айниқса, жабранланганлардан уэр сўрашди, 80 ёшли кекса Руперт Мердок: "Жуда афсусдаман, бугун ҳаётимдаги энг таҳқирли кун", деди. Аммо айбига иқдор бўлмай, газета журналистлари қонунга хилоф равишда ахборот тўлаётганларидан мутлақо бе-хабарлигини қайта-қайта уқдирди. Аслида ҳам шундаймикан?

Можаро юзгага қалқиб чиққач, воқеалар ривожига жуда тезлашиб кетди. Дастлаб "News of the World"нинг бош муҳаррири Ребекка Брукс хибсга олинди. Унинг раҳбарлигида чоп этилаётган газета журналистлари қотиллар томонидан ўғирлаб кетилган ва кейинчалик ўлдирилган мактаб ўқувчиси Милли Даулернинг овозли почтасидаги баъзи маълумотларни ўчириб, тергов ходимларини чагиртишди. Полиция ва қизчанинг ота-онаси газета материалларига кўра анча вақт Миллини тирик деб ишонинган. Бундан ташқари, газета журналистлари Лондон полицияси билан махфий тил бириктириб, улардан муҳим маълумотларни доимий равишда, албатта, маълум моддий манфаатдорлик ҳисобига олиб туришган. Янада аниги, полициянинг айрим нопок ходимлари журналистларга одамларнинг шахсий ҳаётига оид муҳим факт ва маълумотларни сотиб, пасткашилик қилишган. Бундай маълумотлар "Ньюс-Корпорейшн"га тегишли наشرларнинг умумий тиражига, демакки, мўмай даромадга ижобий таъсир кўрсатган.

Наҳотки бу жиноятлардан бош муҳаррир беҳабар бўлса? Газетанинг навбатдаги сонига имзо чекаётган раҳбар журналистлар топиб келган шов-шувли материаллардаги маълумотлар қаердан, қайси манбадан ва қай тарзда олинганига қизиқини лозим эди-ку?! Брукс хонимнинг хотиржам: "Мен ҳозир хибсдаман, баъзи саволларга жавоб қайтара олмаيمان, ходимларимнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан икки ҳафта аввал хабар топганим рост" деган сўзларига ишонини қийин.

Комиссия аъзолари кейинги

маълумотларни титкилаш, полиция билан жиной тил бириктириш, ҳуқуқ-тартибот органларини чагиртиш, сиёсатдонларни ўз томонларига оғдириш каби жиной хатти-ҳаракатларини изоҳлаб беришни қатъий талаб қилишди. Савол-жавоблар чоғида парламент вакиллари 2008 йилнинг апрель ойида нима сабабдан ёки қайси асосга кўра Жеймс Мердок Англия профессионал футболчилари ассоциацияси бошчилиги Гордон Тайлор номига ёзилган 700 минг фунт стерлинг миқдориди чека имзо қўйгани билан қизиқиди. Балки бу "гононар" Тайлорнинг жим туриш, баъзи маълумотларни ошкор қилмаслиги учун берилгандир? Ахир, унинг телефони ҳам узоқ вақт кузатишга эришди.

Руперт Мердок бир қарашда жуда хотиржамга ўхшайди. Ёши саксондан ошган, ўз соҳасининг бетакор билимдонига айланган, тиниб-тинчимас бу қарияни савол билан чагиртиш қийинлигини парламент комиссияси аъзоларининг бири иккинчисидан ўткир, унча-мунча кишини доводиратиб қўядиган икки юздан ортиқ саволларига қандай жавоб қайтарганини кўриб ишонч ҳосил қилдик (Бу тадбир "Россия-24" каналда тўла намойиш этилди). Комиссия аъзоларидан бири: "Сиз мамлакат бош вазирлари билан доимо яхши муносабатда бўлгансиз, уларни керак пайтларда қўллагансиз, тез-тез учрашиб тургансиз. Аммо, айтингчи, нега ҳар сафар, сизни бош вазир қароргоҳига таклиф қилишганида, олд эшикдан эмас, орқа эшикдан кирардингиз?" деган саволига ҳам хотиржамлик билан: "Ҳа, шундай бўларди, сабаби менга маълум эмас", деб жавоб берди-қўйди. Кўпчилик саволлар унинг газета муҳаррирлари билан қандай ишлаши тўғрисида бўлди. Мердок "Муҳаррирлар билан ахён-ахёнда кўришиб тураман, ички ишларига аралашмайман, аммо уларга ишонч қўйиб, афсуски, баъзилари ишончнинг оқлашмади. Корпорацияда 53 минг киши ишлайди, ҳаммасини билиш қийин, "News of the World" ялпи бизнесининг атиги бир фоизини ташкил қилади" дейишдан нарига ўтмади.

2003 йили ўттиз бир йиллик никоҳдан сўнг рафиқаси Анна Торв билан ажрашиб, 31 ёшли Венди Денг исми аёлга уйлانган Руперт Мердокнинг ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик. У 1931 йили Мельбурн шаҳрида туғилган. Австралида чоп этиладиган бир қатор газеталарда ишлаб, маълум тажрибага эга бўлгач, Буюк Британия ва АҚШ медиа-бозори томон йўл олади ва бирин-кетин шов-шувга ўч "сарик" матбуот наشرларини сотиб ола бошлади, ўзи ҳам бир неча янги газета-журналлар ташкил этди. 1979 йили "Ньюс-Корпорейшн"га асос солади, 1985 йили АҚШ фуқаролигини қабул қилгач, Мердокнинг бир неча йirik телекомпаниялари эгасига айланади. Кейинроқ "Dow Jones" компанияси ҳам унинг ихтиёрига ўтади.

Кекса Мердокни баъзилар макташди, баъзилар аёвсиз танқид қилишди. "У жуда бой, аммо ўта хасис" дегувчилар, "Бир неча йил фойдаланиб келишувдан қуруқ қолмаслик учун деярли ухламайди, арзимаган пул учун эринмай тортишади, аммо ақшда бойлигини кўз-кўз қилиб, масалан Ван Гогнинг оддий асарини учун 49 миллион доллар тўлашга рози бўлади", дея писанда қилувчилар ҳам йўқ эмас.

Мердок, шубҳасиз, мураккаб шахс. Дунёқарашга фарб оламини аёвсиз қондалари, раҳмсиз талаблари, "Ё сен янчиб ўтасан, ё сени янчиб ўтишди" қабилдаги ўзгармас широрлари асосида шакланганлиги шубҳа йўқ. Йўлига соя ташлаётганларни ёқтирмайди. Буни қуйидаги мисол билан исботлаш мумкин. 1994 йили Мердок Миллий футбол лигасига 1,6 миллиард доллар тўлаб, мамлакат стадионларидаги жамаки футбол ўйинларини тўрт йил давомида трансляция қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Трансляция билан кейинги қирқ йил ичда муттасил шугулланиб келаётган ва бу борада катта тажрибага эга CBS компанияси эса озгини очиб қолаверади. Чунки жаноб Мердок савдо баҳосини бирданига

уч барабар кўтариб юборади. Ҳозирча текширувлар давом этмоқда. "News of the World" ёпилди, журналистлар ўзларига иш изламоқдалар. Унинг сўнгги номери 3,8 миллион нусхада чоп этилди ва жуда тез сотилди. Айни чоғда Мердоклар асос солган "Ньюс-Корпорейшн"га қарашли йirik наشرларнинг адади кун сайин тушиб бормоқда. Кимга тўй, кимга аза. Бу ҳолатдан унумли фойдаланган рақобатчилар отларини қамчилаб қолишди. Масалан "Дейли стар санди"нинг шу йил 17 июль кунги сони аввалгисидан уч барабар кўп нусхада чиқди. "Гардиан", "Индепендент", "Миррор" каби кундалик газеталарнинг ҳам нусхалари кўпайди. Айни чоғда "Ньюс-Корпорейшн"нинг қимматли қозғалар бозориди баҳоси 17,4 фоизга ёки 8,3 миллиард долларга арзонлашди. Мердокларнинг шахсий мулки 1 миллиард долларга камайди. Тажрибали миллиардер учун бу йўқотиш ҳеч гап эмас. Аммо парламент текширишлари натижасида ота-бола Мердокларнинг ушбу жиной хатти-ҳаракатлардан хабардорлиги аниқланса, "Ньюс-Корпорейшн"дай улкан империянинг жанозасини ўқиса ҳам бўлаверади.

Бу можародан англашилдики хулоса шуки, матбуот ўз моҳиятига кўра ҳамма жойда ва ҳаммаша ўз ўқувчилари олдида ҳолис ва адолатли бўлиши, фақат асосли, текширилган ахборотларни тарқатиши, ноўрин шов-шув кўтармаслиги, одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслиги, инсоний ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиши, жамиятдаги айрим куч ва доираларнинг бошқалардан ўчи олиш минбарига айланиб қолмаслиги керак. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида амал қилаётган хартия ва кодексларда, хусусан, журналистлар халқаро федерациясининг ҳужжатларида ва мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаш бўйича қўйилган қонунларда бу талаблар аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг қўлаб нутқ ва маърузаларида мустақиллик йиллари матбуотининг мақсад ва вазифаларини тўғрисида гап борар экан, бу матбуот, энг аввало, "инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи сифатида фаолият юритиши, фақат шу йўл билан эркин ва ҳолис минбарга айланиши лозимлиги" алоҳида таъкидланади. "Сўз ҳам кўчи, ҳам кескир бир қуролдирки, уни эҳтиёткорлик билан оқилона ишлатмоқ зарур. Бу қуролни ниёти пок, мақсади ҳалол... кишиларга топириш зарур", деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Ўзбекистон босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодексига (2006 йил) қуйидагиларни ўқиймиз: "Журналист ўз вазифасини адо этишда... инсон шаъни ва унинг шахсий ҳаёт кечирлишига бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиши, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунлар талабларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва унинг шаънини ҳақоратлар, гийбатлар, уйдирма ва айбловлардан ҳимоялаши... зарур".

Афсуски, бу талабларга фарб мамлакатларида ҳаммаша ҳам тўла амал қилинмади. Фойда кетидан қувиб, дуч келган ахборотни, жумладан уйдирма, соғлом мантиққа зидлиги аввалдан маълум фарзали миш-мишларни ҳам бемалол газета саҳифасига олиб чиқиш, тарқатиш қўлаб наشرлар учун оддий бир ҳолга айланиб қолган.

Шармандаларча ёпилган "News of the World" газетаси билан боғлиқ можаро матбуот олами учун жиддий сабоқ бўлиши табиий. Бу сабоқ журналистика дарсликларига кириши ҳам мумкин. Аммо бир нарсани аниқки, бу жиноятнинг жамаки иштирокчи раҳнамолари тегишли жазого тортилиб, Мердокларнинг медиа империяси "сарик" матбуот бозорини бутундай тарқ этганида ҳам, матбуотнинг ҳолис ва ҳаққонийлигини таъминлаш йўлидаги бу уринишлар қотиллар қўлида ҳалок бўлган қизчанинг онаси кўзидидаги бир томчи ёшга арзимайди.

А. МЕЛИБОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Дарё ўзани бурилади

Хитойда дарёлар ўзани буриш лойиҳаси ишга туширилган. "Синхуа" агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Янцзи, Хуайхэ, Хуанхэ ва Хайхэ дарёлари оқимининг бир қисми жанубдан мамлакат шимолига йўналтирилади. Лойиҳа учун 60 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланиши режалаштирилган. Каналлар қурилиши ниҳоясига етгач, мамлакат шимоли йилига 50 миллион куб метр сув билан таъминланади.

Саратонга қарши иммунитет

Европалик олимлар салмонелла бактерияси саратон ҳужайраларини йўқ қилишини аниқлашган. Италиялик олимларнинг фикрича, келгусида саратонга қарши иммунитет ҳосил қилувчи вакцина ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Тажрибада салмонелла бактериясининг салмонеллез касаллигини кўзга тинмайдиган штамидан фойдаланилади.

Кўзойнак "таржимон"

Япониялик мутахассислар "таржимон" кўзойнак яратган. NEC корпорацияси ишлаб чиқарган бу кўзойнак ўзига ўрнатилган махсус микрофон ва камера орқали хоржий тилдаги нутқни ёзиб олиш ҳусусиятига эга. Матн таржимаси кўзойнак "экрани"да пайдо бўлади. Компания вакилларининг сўзларига кўра, TeleScouter номи бундай кўзойнаклар кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Энергетика бозори кенгаймоқда

Жанубий Корея ва Ҳиндистон расмийлари тинч мақсадларда ядровий энергетика бўйича келишув имзолашган. Жанубий Корея мазкур келишув асосида Ҳиндистонга ядровий қувват технологиясини етказиб беради. Бу Ҳиндистон шиддат билан ривожланаётгани боис ўз энергетика таъминоти эҳтиёжларини қондиришда мушкулотларга дуч келаётган бир пайтда кузатилмоқда. Утган йил Ҳиндистон қуйи парламенти ядровий энергетика бозорини ҳусусий сармоёларга очишга қаратилган қонунни маъқуллаганди. Қонун хоржий ширкатлар реакторлар барпо этишига изн беради. Кузатувчиларнинг фикрича, Ҳиндистон ядровий энергетика бозорини кенгайтириш илнжиди бўлган бир пайтда Корея республикаси ўз технологияларини экспорт қилишни истаиди. Шу боис, ҳар икки давлат ўртасида имзоланган келишув узоқ муддатга мўлжалланган манфаатли ҳамкорлик бўлиши мумкин. Жанубий Корея Ҳиндистон билан ядровий қувват бўйича битим имзолаган тўққизинчи давлатдир.

Электрон терминал

Латвияда автомобилсозлик тарихига оид маълумотлар жамланган электрон терминал яратилди. Янги ихтирога кўра, мазкур терминал ишчибозларга харид қилинаётган ҳар қандай машина ҳақида барча маълумотларни олиш имконини беради. Айниқса, ҳайдовчи учун энг муҳим бўлган автоуловнинг неча марта таъмирлангани, умуман, унинг ҳозирги ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот бера олади. Ахборот хизматидан фойдаланиш 10-15 АҚШ доллари миқдориди белгиланган.

Мобиль телефон соғлиққа зарарми?

Буюк британиялик олимлар мобиль телефон соғлиққа зарар етказишини таъкидламоқда. Бундай телефон қопламасида кўлаб бактериялар мавжуд бўлиб, киши организмда турли юкүмли касалликларни келиб чиқишига олиб келади. Айниқса, салмонелла, стафилококк бактериялари жуда ҳавфли бўлиб, ичак яллиғланишига олиб келиши мумкин. Шифокорлар гигиена талабларига тамомила жавоб бера олмайдиган мобиль алоқа воситасидан фойдаланмаслиқни тавсия этишади.

Хоржий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

КЎРГАЗМА



“АБАДИЯТ ДАРАХТИ”

Ёғоч ўймакорлиги юртимизда азал-азалдан ўзининг бетакдорлиги билан бошқа санъат турларидан ажралиб келган. Ҳар бир хонадонда ёғочдан ишланган устулар, эшиклар, айвонлар, хонтахта, сандиқ, курси, қўти, қаламдон ёки чолғу асбобларини учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти ҳақиқий маънода санъат асарини, дейишга арзийди.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида очилган “Абадиёт дарахти” деб номланган кўргазма ёғоч ўймакорлиги, хусусан, Тошкент ўймакорлиги мактаби аъёнлари бугун ҳам давом этаётганига бир ишора бўлди. Фонд Форум, “IJOB” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамда марказ мактабларида ташкиллаштирилган кўргазма Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигига бағишланганини, унда Ортиқ Файзуллаев ва унинг шогирдлари ясаган энг сара ўймакорлик асарлари жой олганини тантанали очиш маросими чоғида билиб олди. Маросимда сўз олганлар устанинги ижоди, инсоний фазилатлари хусусида тўққинчи гапирди. Саҳнада уста, унинг ортида эса сўз навбатини кутиб турган шогирдлари турарди. Бу шогирдларнинг ўзлари ҳам ҳозирда катта уста даражасига етган, ҳар бирининг ўз мактаби ва шогирд-

лари бор. Бироқ, уларнинг устози бир — Ортиқ Файзуллаев. Сермахсул ижод соҳибини бугунги кунда ҳам самарали меҳнат қилди. “Ўзбекистон” анжуманлар саройи, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи, Миллий либослар галереяси биноларидаги ўймакорлик ишлари Ортиқ Файзуллаев томонидан ба- жарилган. Ортиқ Файзуллаев — Фонд Форумнинг “Bazar-Art” безакли амалий санъат кўргазма ярмаркасининг доимий иштирокчиси ва “Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабини сақлаб қолгани ва ривожлантиргани учун” номинацияси лауреати ҳисобланади. — Мустақиллик йилларида юртимизда хайрли ишлар амалга оширилди, — дейди О.Файзуллаев. — Биз каби хунармандларнинг бағрига шамол теғди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томони-

дан чиқарилган Фармон ва қарорлар эмин-эркин ижод қилиш имконини берди. Хунармандларимиз учун берилган имтиёзлар ҳам айни муддао бўлди. Мени кувонтирган нарса шуки, Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби ўзининг кўп йиллик аъёнларини сақлаб қолган ҳолда ривожланишда давом этмоқда: Кўплаб шогирдларим, янги авлод усталари ушбу ноёб санъат турини сақлаб қолишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Дарҳақиқат, Тошкент ўймакорлиги мактаби давомчиларининг иши таҳсинга сазовор. Ортиқ



КЎЗГҮ

Файзуллаевнинг шогирдлари — С.Раҳматуллаев, Т.Файзуллаев, Г.Йўлдошев, К.Турдиқуллов, К.Валиев томонидан кўргазмага тақдим этилган санъат асарлари, энг аввало, томошабинга турфа шакллар ва нафис нақшлар билан танишиш имконини беради. Шунингдек таъкидлаш лозимки, юртимиздаги энг оммабоп санъат турларидан бири — ёғоч ўймакорлиги намуналари илк марта таъкидлаш экспозиция тарзида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Кўргазмага 15 нафар хунарманд томонидан яратилган 20 дан ортиқ ёғоч буюмлари қўйилган. Устанинги яна бир шогирди Абдураҳмон Абдураҳмонов шундай дейди:

— Республика рассомлик коллежини тамомлагач, 1980 йили ўша пайтдаги “Усто” (ҳозирда “Устозода”) уюшмасига ишга келдим. Бу ерда устозим Ортиқ акадан кўп нарса ўргандим. Бугун эса ўзим ёшларга ёғоч ўймакорлиги бўйича сабоқ бериб келмоқдаман. Ушбу кўргазмага турли йилларда ясаган ижод намуналаримдан олиб келдим. Қараб турсам, мана бу саккизқиррали столим кўпчилигининг оромини ўғирлаб қўйди-ёв, — дея кулади уста.

Ҳақиқатдан ҳам Абдураҳмон ака ясаган стол мақтовга лойиқ. Ундаги ҳар бир шакл, нақшларнинг нафислиги киши эътиборини тортмай қўймайди. Кўргазма зали бўйлаб юрар эканмиз, қадимий сандиқ ва “Бозор” панносини томоша қилиб турган йигитлар

билан танишдик. Ўзларини Баҳридин Тошқуев, Ниёз Нозимов, Иброҳим Хусанбоев, Камол Ҳасанбоев дея таништирган йигитлар суҳбатимиз давомида Шукрулло Муродовнинг шогирдлари экани маълум бўлди. Шукрулло Муродов ҳам Ортиқ устанинги энг яқин шогирдларидан бири сифатида кўргазмага ўзининг бир нечта асарини олиб келган. “Устозингиздан нималарни ўргандингиз?”, деган саволига мизга йигитлар қуйидаги жавобни беришди:

— 2008 йилдан буён устозимизнинг қўлида ёғоч ўймакорлигини ўрганишимиз. Ҳозиргача панжара, панно, курси, парда, лавҳ, рельеф, ўйма одамлар қиёфаси, қўтича каби ёғоч буюмларини ясадик. Энг асосийси, биз устозимиздан сабрли бўлишни, ҳар бир ишга кунт ва иштиёқ билан ёндашиш кераклигини ўргандик.

Кўргазмага келган меҳмонлар орасида таниқли уста хунармандларга ҳам кўзимиз тушди. Мутахассис сифатида улардан кўргазмага қўйилган асарлардан бирига баҳо беришларини сўрадик.

Тўхтамурод ЗУФАРОВ, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, миллий чолғу асбоблари устаси:

— Кўргазмага қўйилган асарларда дид ва маҳоратни сезиш қийин эмас. Масалан, лаганга ишланган паннони олайлик. Бу ёғоч ўймакорлиги санъатида янгилик ҳисобланади. Уларда замонавий модернизмни илғаш мумкин. Шунга қарамай, исломий услублар ҳам сақланган. Усталаримизнинг санъатига қўйил. Муҳими, ҳар бир буюм юртимизда ўсадиган дарахтлардан ясалган.

Довруғи дунёга дoston ўзбек усталарининг асарлари мутахассис ва олимларнинг юксак эътирофига сазовор бўлибди: демок, ёғоч ўймакорлиги санъати ҳали узоқ яшайди. Чунки, унинг муносиб давомчилари, устоз устоздалари бор.

Зафар МУҲАММАД, “Milliy tiklanish” мухбири

ЎГИТ

Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши, Ҳикмат сўзи билан тузалмас иши. Нур ёғар насиҳат сўзламаса ҳам, Турши ибратдир покиза киши.

БИЛАСИЗМИ?

Пойафзал ўлчамларини олиш 1792 йили этикдўз Жеймс Смит томонидан йўлга қўйилган.

Британия императорининг тожи 1783 дона жавоҳир билан безалган. Улар орасида 309 каратли “Африка юлдузи” ҳам бор.

ТУРФА ОЛАМ

ТИЛЛА ҚҰНФИРОҚЧА

ИСРОИЛЛИК АРХЕОЛОГЛАР МЎҲАЖАЗИГА ТИЛЛА ҚҰНФИРОҚЧА ТОПИБ ОЛИШДИ.

Манбада қайд этилишича, Иерусалимнинг эски шаҳар қисмидан топилган тилла қўнғироқча 2000 йиллик тарихга эга бўлиб, уни асосан катта амалдорлар тақиб юришган экан. Ушбу тақинчоқ ҳам айнан ўша даврда яшаган амалдорга тегишли бўлиши мумкин. Қадимшуносларнинг тахминига кўра, тилла қўнғироқча йўқолиб қолганини унинг эгаси пайқамаган. Ёгингарчиликлар эса қимматбаҳо буюмни шаҳарнинг эски сув каналига оқишиб кетган.



СУВ ОСТИДАГИ ТАДҚИҚОТ

ОЛИМЛАР АФСОНАВИЙ АТЛАНТИДА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИ БОШЛАБ ЮБОРИШДИ.


Бундан бир неча миллион йиллар олдин инсоният Атлантика океани тубига фарқ бўлган қадимги цивилизация ҳақида эшитган эди. Мутахассисларнинг аниқлашча, қадимги Атлантида Шотландиядан шимоли-шарқда, ҳозирги Шетланд оролларида фарқда жойлашган бўлган. Сув остидаги ландшафтларни ўрганиш давомида олимлар 10 минг квадрат километрга тенг майдонни тадқиқ қилишганини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, инсон қадами етгунга қадар Атлантида Шотландиядан то Норвегия соҳилларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Шунингдек, олимлар афсонавий Атлантида барпо бўлган қуруқлик океан сувларининг чекинishi натижасида ҳосил бўлганини, бироқ, орадан 2,5 миллион йил ўтиб қуруқлик яна океан измига ўтганини тахмин қилишмоқда. Ҳозирда тадқиқотчилар нега шундай бўлгани ҳақида бош қотиришаптир.



ОЙДАГИ ЖУМБОҚ

LUNAR RECONNAISSANCE ORBITER КОСМИК АППАРАТИ ОЙ ЮЗАСИДА ҒАЙРИТАБИЙ МАНЗАРАНИ ТАСВИРГА ТУШИРГАН.


Мазкур тасвирлар Ой юзасида капалакка ўхшаш шакллар пайдо бўлганини кўрсатган. Олимларнинг фикрича, бундай шакллар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Аксинча, Ойга қандайдир жисмининг урилиши туфайли ана шундай шакллар ҳосил бўларкан. Бироқ, ушбу жумбоқнинг ечими ҳозирча топилгани йўқ. Айрим мутахассисларнинг гапига қараганда, Ойга аллақандай метеорит келиб урилган бўлиши мумкин. Бундай шаклларнинг пайдо бўлишида жиндек бўлса-да, космик аппаратнинг ҳам ҳиссаси бор. Чунки, яқиндагина Американинги Lunar Orbiter 2 сунъий йўлдоши Ойга кулаши натижасида ўзидан из қолдиргани эҳтимолдан холи эмас.



ИККИТА ЯНГИ УНСУР

САЛКАМ 10 ЙИЛЛИК ИЗЛАНИШЛАРДАН СЎНГ МЕНДЕЛЕВНИНГ ДАВРИЙ ҲАДВАЛИ ИККИТА УНСУРГА БОЙДИ.

114 ва 116 унсурлари бундан 10 йил олдин америкалик ва россиялик олимлар томонидан аниқланган эди. Бугун ушбу унсурлар расман Менделеев ҳадвалига киритилди. Ута оғир унсурлар циклотрон экспериментлар чоғида сунъий йўл орқали олинган. Тахминларга кўра, мазкур унсурлар флеровийум (114) ва московиум (116) деб номланиши кутилмоқда. Бироқ, ҳозирча халқаро кимёгарлар уюшмаси бу борада бир қарорга келгани йўқ.



3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

ПИЗА МИНОРАСИ

ЁХУД ҚУЛАЁТГАН МЎҲАЖИЗА

Маълумки, бу йил Пиза минораси оламушумул тантаналар марказига айланди. Сабаби, минора қайта таъмирдан чиқарилди.

Аънаана кўра, Пиза шаҳрида ҳар йили авлиё Раньер шарафига минорани ёритиш маросими бўлиб ўтади. Салкам беш асрлик тарихга эга маросим бу йил ҳам июнь ойида ўтказилди. Қолаверса, яқинда миноранинг таъмирланиши якунлангани катта тантанга айланган кетди. Ҳар йили байрам кунини Арно дарёси бўйидаги барча бинолар ҳамда кўприклар турли шаклдаги шамчиروқлар билан безатилар эди. Бу галги шамчироқлар тамоман ўзгача ва нақшинкорлиги билан ажралиб турарди. Куй-қўшиқлар ва турли ўйин-кулгига бой ўтган маросим сайёҳларни ҳам бефарқ қолдирмади. Тунда Пиза осмонини ёритган ранг-баранг феерверклар байрамга ўзгача шукҳ бағишлади. Пиза минорасининг қайта таъмирланиши ва уни сақлаб қолиниши нафақат пизаликлар, балки дунё аҳлини ҳам хушнуд этди.

ТАЪМИРЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Мутахассисларнинг саъй-ҳаракати туфайли кейинги йил

йиллар давомида Пиза минорасини аста-секин ўз ҳолига қайтарилишига муваффақ бўлинди. Таъмирланиш жараёнида минора атрофи темир тўсиқлар билан мустаҳкамланиб, 7 минг кв.метр ҳажмдаги мрамор тош қайта тозаланган. Бундан ташқари, Турин политехника университети профессори Микель Ямельковский раҳбарлигидаги муҳандислик ишланмалари ёрдамида мутахассислар миноранинг кулаш жараёнини тўхтатишга муваффақ бўлишди. Маълумотларга қараганда, қайта таъмирланиш ишларига 27 млн. евро сарфланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, эндиликда минора салкам 300 йил таъмирга муҳтож бўлмас эмиш.

ОБИДА ТАРИХИ

Пиза минорасидаги битикларда 1174 йили Бонано Пизано ва Вильгельм фон Инсбург бино пойдеворини барпо этгани ҳақида ёзилган. Улар бошчилигида чамаси ўн йил мобайнида ердан уч метр чуқурликда минора пойдевори ҳамда уч қаватли колонна қурилган. Ана



шунда бино вертикал томонга бироз ёнбошлагани маълум бўлади. Минора мустаҳкам ерда қурилганини пайкаган мутахассислар атайлаб шундай қилинган, деган фикрини айтишади. Улар бу билан меъморчилик санъати кўп қиррали эканини намойён қилишган. Бироқ,

кейинчалик миноранинг пойдевори қийишқ қурилганига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг, қурилиш ишлари таққа тўхтади. Орадан бир аср ўтиб, Жовонниди Семон минорани яна уч қаватга кўтарди. У тахминан 9 йил ана шу қурилишга бош-қош бўлади. Лекин, қутилмаганда баландлиги 48 метр бўлган миноранинг юқорисиди қўнғироқхона пойдевордан 90 см. жанубга оггани маълум бўлади. Бу сафар уни қурилиши узоқ муддатга тўхтатилади.

XIV асрда Томмазо ди Андрo минора устида галерея ва янги қўнғироқхона қурдиради. Ушанга миноранинг баландлиги 58 метрга етиб, яна 1,43 метр ён томонга оға бошлайди. Аслида минора 12 қаватдан иборат бўлиб, тахминан баландлиги 98 метр бўлиши кўзда тутилган эди. Унинг энг юқори қисмидаги қўнғироқхона томи эса яна ҳам баланд қурилиши режалаштирилган.

Бир қарашда миноранинг жуда нозик ва энгил кўринишига унинг ҳар бир қаватидаги оқ колонналар сабабчи экан. Аслида бино жуда бакуват бўлиб, унинг пастки қаватидаги деворнинг қалинлиги 4,9 метрни, юқори қисми эса 2,48 метрни ташкил этади. Минора қўнғироқхонасининг ички қисмида спирал кўринишидаги 294 та зинапоялар мавжуд. Кимки миноранинг кулашидан кўрқмаса ана шу зинапоядан юқорига кўтарилиб, очиқ майдонда шаҳарни томоша қилиши ҳам мумкин. Тарихдан маълумки, миноранинг ён томонга оғиши йилдан-йилга ортиб борган. Уни

мутахассислар XVII-XIX асрларда бир неча бор мустаҳкамлашга ҳаракат қилишган. Маълумотларга қараганда, миноранинг доимий назорат қилинган вақтдан буён йилига 1,2 миллиметрга оғаётгани аниқланган. Бугунги кунга келиб эса Пиза минораси марказидан 5,3 метр ён томонга оғишга улгурган.

Кулаётган минора саккиз қанотли оқ мрамардан цилиндр шаклида қурилган бўлиб, пастдаги олти қавати Византия ҳамда мусулмон давлатларининг меъморчилик санъати таъсирида жимжимадор арқлар кўринишида қурилган.

Ўз даврида Галилео Галилей Пиза минорасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борган. Галилейнинг ёзувларида миноранинг юқори қаватидан турли буюмларни ташлаб, қулаётган буюмнинг вазни қулаш тезлигига таъсир қилмаслигини исботлаган.

Баъзи маълумотларга қараганда, ушбу минора Пиза ибодатхонасининг қўнғироқхонаси сифатида қурила бошланган экан. 1063 йили пизаликлар навбатдаги жангда ғолиб бўлган шарафига муқаддас ибодатхона ансамблини қуришга киришишади. Қарангки, бу ури-нишлар натижасида Италиянинг ўрта аср маданияти акс этган буюк санъат асари бунёд этилади. Дарҳақиқат, италияликлар ўз маданиятининг кейинги ривожига ушбу ибодатхона катта туртки бўлганини инкор этмаяптилар.

Маффуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшар ЗИЯЕВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолидин САФОВ
 ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-ўй
 Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
 ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия хаёти бўлими (факс): 234-01-47
 Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
 Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй

Газета ҳафтанинги чоршанба кунини чиқади.
 Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
 Буюртма — Г 819, Адади — 4197

Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЕВОВ
 Навбатчи: Бехбуд БОТИРОВ
 Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
 Электрон почта: e-mail: milliyti@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.
 Топширилди — 21.40.